

Toshkentning islom madaniyati taraqqiyotiga qo'shgan hissasidan so'zlovchi ko'hna madrasalar

ТОШКЕНТНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИДАН СЎЗЛОВЧИ КЎҲНА МАДРАСАЛАР

Тошкент қадимдан мамлакатимизнинг маданият марказларидан бири бўлган. 2007 йил январда Ислам конференцияси ташкилоти тарқилдаги муассасалардан бири — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни "Ислам олами маданиятининг пойтахти", деб эълон қилгани ҳам бежиз эмас. Бу нафақат Тошкент, балки бутун ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиб ҳиссасига берилган муносиб баҳоaddir.

Мозийдан садо

Тошкент ўмида ўзининг зиё масканлари — мадрасалари билан ҳам машҳур бўлган. Бу ерда минтақага ислом дини қўйиб келган даврлардан бошлаб кўлаб мадрасалар барпо этилган. Муҳаммад Солиҳовнинг "Тарихий жадидий Тошкент" асарига қайд этилганча, XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентда 20 та мадраса фаолият кўрсатган.

Хожа Аҳрор мадрасаси Тошкент мадрасалари орасида энг қадимийси бўлиб, 1451 йилда қурилган. Мадраса Чорсу бозори бошида, Хожа Аҳрор масжидининг шимолда жойлашган бўлиб, пишиқ гишт ва йўнлиқ тошлардан бино қилинган. Кўчалдош мадрасаси ва бозор дўконлари билан туташ бўлган. Мадраса йиғирмата ҳужра, битта дархона ва масжидни ўз ичига олган.

Шаҳардаги яна бир қадимий мадрасалардан бири Кўчалдош мадрасаси бўлиб, Шайхонқор дарғасида, Чорсу майдонидagi Шайхонистон тепалиғида Хожа Аҳрор Валий жоме масжидининг ёнида Бароқхоннинг ўли Дарвешон томонидан бунёд этилган. Кўчалдош мадрасаси дастлаб уч қаватли, ўттиз саккаизта ҳужрали бўлган. Унинг кенг ҳовлиси

ҳужралар ва очик айвонлар билан ўралган. 1868 ва 1886 йилларда шаҳарда содир бўлган zilzilalar натижасида мадрасанинг факат бир қавати сақланиб қолган.

Мазкур кўча билим даргоҳида қўлаб олиму фузалар сабоқ берган, тақсил олганлар. XVI асрда Кўчалдош мадрасида ўз замонасининг машҳур олимларидан Шамсиддин Муҳаммад Куртий, Хожа Юсуф Қошларий дарс берган. Ўзбек мунтоз шеъринининг вакили — шоир Муҳаммад Амиркужа Муҳимий Тошкентга келган вақтида шу мадрасада истикомат қилган. 1889 — 1891 йиллар мобайнида машҳур шоир Зоҳиржон Холмуҳаммад ўғли Фуқрат ҳам ушбу мадрасада истикомат қилиб, таълим олган ва ижод билан шуғуллангани тарихдан маълум.

Мазкур мадраса фаолият бошлаганидан буён "Кўчалдош мадраса масжиди" деб номланган. 1999 йилдан эса "Кўчалдош Тошкент ислом ўрта махсус билим кўрси" деб номланди. Билим юртида Қуръон, ҳадис, сарф, наҳв, мутлола каби диний илмлар билан бир қаторда ўзбек тили ва адабиёти, табиат, журфодия, инглиз тили, физика, математика, астрономия, инфор-

матика ва бошқа дунёвий фанлар ҳам ўқитилган.

Тошкентнинг қадимий обидаларидан яна бири — Бароқхон мадрасаси. У Ҳазрати Имом махмумасидани меъморий ёдгорлик бўлиб, Тошкентнинг энг гўзал обидаларидан бири ҳисобланади. Мазкур махмума XV-XII асрларда бир неча босқинда қурилган иморатлардан таркиб топган. Дастлаб бинонинг шарқий бурчагидаги мўъжаз мақбараси, 1531 йилда эса ҳовли тўрадаги пештоқли хонақоҳда шайхонийлар сулоласининг Тошкентдаги хокими Сулеймонхон мақбараси қурилган.

XVI аср ўрталарида Мирзо Улуғбек сулоласининг вакили, Тошкент шаҳрининг ҳукмдори Навроъз Амадхоннинг буёруғи билан илгари қурилган икоала мақбарани ҳам ўз ичига олган мадраса барпо этилган. XIX аср манбаларида мадраса талабалари ва ўқитувчилари шахват уйидаги ишқибоз эъқили қайд этилган. Тошкент хокими Қаноат Оталиқ 1859 йилда Бароқхон мадрасасининг вайрон бўлган ҳужралари ва ҳовлисини тавмирлатиб, энг шайф мулкери ажратган. 1868 йилги zilziladan мадраса қаттиқ зарар кўриб, вайрон бўлган. У 1904-1905 йилларда тошкентлик уста Хожа Абул Қосим томонидан қайта тавмирланган.

2007 йилда Бароқхон мадрасаси тарқибдаги мақбаралар устидаги гўмбазлар қайта тикланди, мадраса безаклари бойитилиб, меъморий ўлчамларининг уйғунчилиги эришди. Бугунги кунда мадрасада хаттоғлик ва миллий ҳунармандлик устаконалари жойлашган.

Абулқосимхон мадрасасини Бешбонқоҳида 1850 йилда Шайх Абулқосим эшон қурадиغان бўлиб, Тошкентдаги энг



йирик мадрасалардан бири ҳисобланади. Бинонинг энг эски қисми — хонақоҳи Мўйи Муборак Абулқосимнинг отаси Эшонғўрақон томонидан 1820 йилда бунёд этилган.

Мадраса дарғосидан қирқаришди қан ва ўнг томонда дархоналар, ҳовли ўртасида сардоба, тўрда эса Мўйи Муборак хонақоҳи, шаҳар ташқирисидан келиб ўқийдиган талабаларга мўъжазланган 60 дан ортиқ ҳужралари бўлган. Мазкур мадрасада Абдулла Қодирий, Мунавварқори Абдурашидонов, Фулом Зафарий ва Абдураф Фират маълум вақт тақридан олган. Абулқосимхон мадрасаси қайта тавмирланган, бу ерда "Устоз — шогирд" йўналишидаги халқ ҳунармандлари устаконаси фаолият йўлга қўйилган.

Мўйи Муборак мадрасаси дастлаб XV асрда Бароқхон мадрасасининг қаршисида қурилган. Хожа Аҳрор Валий то Самарқандга кетгунча бу ерда бир муддат талабаларга дарс ҳам берган. Кейинчалик мадраса бузилиб қолган.

1857 йилда Тошкент хокими Мирзо Амад кушбеги амири билан Каффон Шоайи мақбараси жанубида пишиқ гиштдан қайта қурилган. "Тарихий жадидий Тошкент" асарига қайд этилганча, мадрасанинг алоҳида бир гўмбазли бўлиб, унда Пайғамбар алайқоссаломнинг сон толарли — мўйи муборак сақланган.

2007 йилда Мўйи Муборак мадрасаси қайта тавмирланди ва машҳур Мухофиз Усмон музей — кутубхонасига айлантирилди. Мазкур дарғоқ бугунги кунда нафақат ўймақор ёгон эшикдари, энг ирванатилган хаворанг гўмбаз, замонавий устлар қўлидан чиққан ганқор безаклари билан, балки бу ерга қўйилган ноёб тарихий маъна — машҳур Мухофиз Усмон ҳамда турли тарихий қўрьонлар музейи сифатида алоҳида ҳақиматга эга.

Юқорида қайд этилган, бугунги кунда тикланиб, тавмирланиб ёки қайта қурилиб, ўз тарқийи номи билан фаолият кўриётган мадрасалар қаторида ўз дарғида яхши маълум бўлган, бироқ бугунги кун-

гача етиб келмаган Юнусхон мадрасаси, Бекларбег мадрасаси, Шайхонли дарғоқ мадрасаси, Қосимбой Қоратўғли мадрасаси, Махмуд дастурончи мадрасаси ҳам фаолият кўрсатган. Ушбу дарғоқлар олий таълим муассасаси сифатида суд-ҳуж-қ тизими учун кадрлар тайёрлаш, или-фан, адабиёт намояндаларини етиштиришда қатта ҳақимат қасб этган.

Бугунги кунда пойтахтимизда замонавий ишоотлар, олимийлар биналар қурилиши билан бир қаторда, энг буюк ўмаишдан сўзлайдиган қадимий обидаларни тиклаш, тавмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, миллий аънаънавий услубдаги мақбарали ишоотлар ҳам бунёд этилаётган.

Улардан бири — Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази. 2017 йилда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. 2017 йилнинг 1 сентябрь кунини давлатимиз раъбарини Ҳазрати Имом махмумасида ташкил этилган Ислам маданияти маркази номинан Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази деб ўзгартиришни тақлим этди. Ушбу тақлифини ҳамма бирдек маънуният билан қабул қилган. Марказ урун 9,1 гектар майдон ажратилган бўлиб, бую миллий аънаънавий услубда бунёд этилмоқда. Марказ, аввало, меъморий ва бичнокорлик нуқтаи назаридан ниюятда улуғвор, мухташам ва ноёб бўлишига ишончимиз комил.

Қисқача айтганда, бундай юксак бунёдкорлик ишлари ўтмиши буюк Тошкентнинг ислом оламидаги маъқини янада ошириб, кўнча ва замонавий шаҳарнинг туристик салюциятини янада юксалтириши, шубҳасиз.

Дона ЗИЯЕВА,
ЎзРФФ Тарих институти бўлими мудири, тарих филолори доктори, профессор.